



## Мусхафларга ранг бериш ходисаси атрофида

Куръон ёзишда уни кизил, яшил, сарик ранглар билан ранг-баранг килиб бўяшни кўпчилик фукахолар жоиз эмас, дейдилар.

Хозирда Туркияда чоп килинган Китобларда «Жалола» (Аллох) лафзи кизил ранг билан ёзилмокда. (Китобнинг) бир жойини бу тарзда чиройли ранг билан ёзиш усули буюрилмаган касб махорати саналади. (Аслида) бунга зарурат ҳам йўқ. Бу иш кироятни чиройли килишга ҳам ва уни тузатишга ҳам ёрдам бермайди. Унинг алифбога, лугатга ва ниманидир ифодалашга ҳам алоқаси йўқ.

Бу ерда юзага келган нарсаларнинг хаммаси одамларнинг хаёлига келган бир фикр, холос. Юкорида айтганимиз каби улар «жалола» лафзларини бошка лафзлардан ажратиб, кизил ранг билан ёзадилар. (Бошка коидаларни хам шундай ажратиб кўядилар). Хўп, нима учун?

(Аслида) бу касбий махоратга зарурат йўк бўлиб, такрорлаймизки, фукахолар ушбу ишни килмасликни айтганлар. Агар бу эшик очиладиган бўлса, унинг чегараси бўлмайди.

Одамлардан бири келиб: «Куръон оятлари орасида оламлар Роббисининг сифатлари ва Унинг гўзал исмлари хам бор, уларнинг хар бирини Куръон харфларининг аслий рангидан бошкача килиб, алохида ранг билан ёзамиз», дейди. Бу хам бир фикр, кейин у хам одатга киради.

Бу ерда фикрлар кўп, аста-секин улар хам Куръоннинг ичига кириб келиши мумкин. Натижада Куръон инсонлар, мутафаккирлар ва хар хил мутахассислар кўлида ўйинчокка айланиб қолади.

Биз Куръонни бундай ишлардан юкорига кўтаришимиз лозим.

Бу нарса яна бошка бир сохага хам тадбик килинмоқда.

Одамлардан бири ўзи килган бир ишни олиб келади-да: «Мана бу ерда тажвид коидаларини сенга ўргатадиган нарса бор, у сенинг эхтиёжингни тўлдиради», дейди. Уни ўкиган одам бу ерда «идгом» бор, мана бу ерда «ихфо», бу ерда эса «мадду вожиб» ва «мадди жоиз» мавжуд, деб уларни ажрата олишига куч топишини айтади.

Хўп, энди шу иш мумкинми ёки мумкин эмасми? Мен бу ҳақда фатво бермокчи эмасман, лекин сизларга фукахолар айтиб кетган нарсани хавола киламан. Аммо ҳеч қачон ихтилофи бўлмайдиган нарсани айтаман.

Тажвид коидаларини тушуниш ёзилган рамзий шакллар билан бўлмайди ва у турли рангларнинг ўзи билан ўрганилмайди. Албатта, тажвид коидаларини ўзлаштириш (кулок билан) эшитиш оркали бўлади.

Мен Куръонда «идгом» коидаси қандай бўлишини менга Куръон ўргатган кишининг ўзидан эшитмасам, ушбу «идгом»нинг маъносини тушунмайман. «Ихфо»ни ҳам устозимнинг ўзидан ўрганмасам, «ихфо» нима эканини қаердан биламан? «Ихфо» билан «идгом» ўртасидаги фарқни ажрата олмайман! Мен «изхор» коидасини менга Куръон ўргатган кишининг ўзидан ўрганмасам, «изхор» коидасини тушунмайман ва уни тилимда айта олмайман. «Мад» коидалари ҳам шундай.

Демак, тажвид коидаларини ўрганиш (устоздан) эшитиш оркали бўлади. Мен сизларга айтишни истаётган нарса шуки, тажвид усулларини ўрганиш зарурий вазифалардан саналади.

Тажвид илми мажбур ва зарурдир,

Ким Куръонни тажвидсиз (ўқиса,) гунохкордир.

Бу Куръон ўрганишнинг бир бўлаги. Сахобаи киромлар Куръонни Расулulloх соллalloху алайхи васалламнинг оғизларидан эшитиб ўрганаётганларида калималарнинг махражларини ўрганганлари қаби унинг тажвид коидаларини ҳам ўзлаштирганлар.

*Имом Бутийнинг «Улумул Куръон» номли туркум сухбатидан*

*Гуломов Абдуллох таржимаси*